

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАРГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ЖАЛБ ҚИЛИШДА ВЕБ САҲИФАНИНГ АҲАМИЯТИ

Рахмонов Муслимбек Рахматулла ўғли
Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти
Email: muslimraxmon@gmail.com

Аннотация: Сўнги йилларда тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда интернет технологияларидан фойдаланиш ҳажмининг кескин ортиши кузатилди. Ушбу мақолада Ўзбекистондаги эркин иқтисодий ҳудудларга тўғридан - тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда интернет маркетинг технологияларидан фойдаланишнинг аҳамияти, ҳозирги ҳолати ёритилган. Тадқиқотда эркин иқтисодий зоналарнинг веб саҳифалари ҳамда контенти таҳлил қилинган, хориж тажрибаси ўрганилган ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ЭИЗ, хорижий инвестиция, интернет маркетинг, веб саҳифа, инвестиция жалб қилиш маркетинги.

Аннотация: В последние годы наблюдается резкий рост использования Интернет-технологий для привлечения прямых иностранных инвестиций. В данной статье описывается текущее состояние использования технологий интернет-маркетинга для привлечения прямых иностранных инвестиций в свободные экономические зоны в Узбекистане. В рамках исследования были проанализированы сайты и контент свободных экономических зон, изучен зарубежный опыт и разработаны предложения.

Ключевые слова: СЭЗ, иностранные инвестиции, интернет-маркетинг, веб-сайт, маркетинг по привлечению инвестиций.

Abstract: In recent years, there has been a sharp increase in the use of Internet technologies in attracting foreign direct investment. This article describes the current state of the use of Internet marketing technologies in attracting foreign direct investment in free economic zones in Uzbekistan. The study analyzed the websites and content of free economic zones, studied foreign experience and developed proposals.

Keywords: FEZ, foreign investment, internet marketing, website, investment attraction marketing.

Кириш

Инвестицияларни жалб қилишда, инвесторлар учун қулай муҳит, шарт-шароит яратишда эркин иқтисодий зоналар фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 майдаги “Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, инновацион тадбиркорлик ва юқори технологияларга асосланган саноатни ривожлантириш, шунингдек, Навоий вилояти ҳудудида минерал хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича қўшимча қувватларни ташкил этишга қаратилган муҳим қадам

бўлди. Халқаро ташкилотлар ҳам ЭИЗлар хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг муҳим инструменти эканлигини таъкидлашади. Хитойга киритилган инвестицияларнинг 80 фоизи, Малайзияда 90 фоиз, Вьетнамда 60-70% фоизи айнан ЭИЗ ҳудудига йўналтирилган. [1]

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Эркин иқтисодий ҳудудлар, уларнинг иқтисодиётдаги аҳамияти ва хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги ўрни бўйича бир қанча илмий ишлар нашр қилинган. Лекин мақоламиз мазмуни веб саҳифалар, ахборот технологияларининг инвестиция жалб қилишдаги ўрнига боғлиқ бўлганлиги учун, фақат шу соҳадаги адабиётларни қисқача таҳлил қилиб ўтамиз.

Бу ҳақда бир қатор иқтисодчи олимлар ўз асарларида турли фикрларни айтганлар. Жумладан, Чангкю Чои ўзининг “Интернет тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни рағбатлантирадими?” номли мақоласида “Интернет фойдаланувчиларининг 10 фоизга ортиши инвестиция оқимини 2 фоизга оширишини исботлаган [2].

Аҳмат Гани ва Басу Шарма ўтказган тадқиқотда эса муаллифлар “Ахборот коммуникацион технологиялари ва унинг воситалари мамлакатга тўғридан - тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда “тортувчи” омил ҳисобланади” деб ҳисоблашади [3].

Жаҳон иқтисодиёти журналида чоп этилган, ривожланаётган давлатларда ўтказилган тадқиқотда маълум бўлдики, ахборот коммуникацион технологияларни ривожлантириш хорижий инвестиция оқимини ошишига сабаб бўлади [4].

Нгуен Тиен ўз мақоласида ЭИЗларга инвестицияларни жалб қилишга мўлжалланган 6 муҳим омилга эътибор қаратишни таъкидлайди. Шу омиллардан бири ЭИЗдаги инфратузилма бўлиб, у ердаги ахборот технологияларидан фойдаланиш учун яратилган имкониятларни ҳам ўз ичига олади [5].


Юқоридаги олимларнинг илмий ишлари ахборот коммуникацион технологияларини ривожлантириш ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди. Шундан келиб чиқиб, биз ушбу мақолада мамлакатимиздаги ЭИЗ веб саҳифаларини инвестиция жалб қилишдаги аҳамиятини хорижий инвестиция жалб қилишга мўлжалланган агентликларнинг веб саҳифаларига таққослаб ўргандик.

Тадқиқот методологияси

Илмий мақолада кўтарилган муаммони атлофлича таҳлил қилиш, таҳлил натижаларини тизимлаштириш асосида илмий асосланган ҳулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишда индукция ва дедукция, мақсадли ривожлантириш, тизимли ва қиёсий таҳлил, график тасвирлаш, эксперт баҳолаш ва иқтисодий статистик усуллардан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси 120 та инвестиция жалб қилиш агентликлари ўртасида ўтказган сўровномага кўра, уларнинг 73 таси ЭИЗ нинг хорижий инвестицияларни жалб қилишда аҳамияти катта деб ҳисоблаган.



1-расм. Инвестицияларни жалб қилишда ЭИЗ ўрни (сўровнома иштирокчилари фоизда)[6]

ЭИЗ ларни инвестиция жалб қилишдаги аҳамиятини етарлича асосладик деб ўйлаймиз. Энди тўғридан - тўғри хорижий инвестиция жалб қилишдаги маркетинг технологияларига тўхталиб ўтамыз.

1-жадвал

Инвестицияларни жалб қилишда самарали маркетинг техникалари[7].

	2017	2014	2011	2008	2005	2002	1999	1996
Интернет/веб саҳифа	74%	67%	55%	56%	53%	34%	37%	18%
Корпоратив ижрочилар билан учрашув	66%	64%	57%	55%	54%	53%	46%	53%
Медиа муносабатлар/ оммавийлик	51%	48%	33%	52%	50%	21%	19%	19%
Махсус тадбирларни ўтказиш	51%	46%	35%	45%	49%	37%	42%	49%
Савдо кўرғазмалари	39%	38%	35%	--	33%	32%	45%	39%
Реклама	32%	17%	16%	15%	20%	21%	19%	19%
Тўғридан-тўғри email/почта	23%	14%	15%	19%	23%	33%	25%	25%
Телемаркетинг	17%	6%	4%	4%	6%	4%	6%	7%

Жадвалдан маълум бўладики, 1996 – йилда энг асосий маркетинг техникаси ҳисобланган корпоратив ижрочилар билан учрашувлар ҳали ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Лекин, 1990 – йиллардаги ўз ўрнини 2014 – йилдан интернет/веб саҳифа каби техникаларга бой берган. Бундан кўринадики, ЕИЗлар ҳам ўз маркетинг фаолиятини интернет технологияларга асосланган ҳолда олиб боришлари керак.

Телемаркетинг барча маркетинг техникалари ичида энг кам самара берувчиси ҳисобланиб, Б2Б учун мос эмас. Медиа билан муносабатлар, махсус тадбирлар ўтқазиш каби маркетинг усуллари ҳам инвестицияларни жалб қилишда аҳамиятли экан.

Ўзбекистон ЭИЗ веб саҳифалари контенти таҳлили [8]

Контент	Навоий	Ангрен	Жиззах	Ғиждувон	Нукус-фарм
Сайтнинг инглиз тилидаги версияси мавжудлиги	✓	✓	✓	✓	✓
Маълумотлар янгиланиши	✓	-	-	✓	✓
Дирексия алоқа маълумотлари	✓	✓	-	✓	✓
Маъмурий кенгаш таркиби ва алоқа маълумотлари	-	✓	-	✓	✓
Давлат идоралари ва бошқа ташкилотларнинг алоқалари	✓	✓	-	-	-
ЭИЗ қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш тартиби	✓	✓	-	-	✓
Иштирок этадиган корхоналарга қўйиладиган талаблар	✓	✓	-	-	✓
Лойиҳани танлаш мезонлари ва жараёнлари	✓	✓	-	-	✓
Ер ажратиш тартиби	-	✓	-	-	-
Ахборотни тақдим этиш сифати	✓	✓	-	-	✓
ЭИЗ ҳудудидаги корхоналар тўғрисида маълумотлар, муваффақиятлар тарихи, алоқалар	✓	-	-	-	✓
ЭИЗ ривожланишининг жорий натижалари тўғрисида маълумот	-	-	✓	-	-
ЭИЗ харитаси	✓	-	-	-	-
Инфратузилмани ривожлантириш ва фойдаланиш, хомашё ва жойлашишнинг афзалликлари тавсифи	✓	✓	-	-	✓
Инвестицион таклиф	✓	✓	-	-	✓
Қайдлар	Сайтнинг инглизча версияси паст сифатли. Ҳужжатларнинг шакллари йўқ.	Контакт маълумотлари йўқ. Тўлиқ бўлмаган ва ноаниқ маълумотларни ўз ичига олади.	Сайт 2013 – йилдан кейин янгиланмаган	Сайтни яқунлаш керак. Дирекциянинг таркиби йўқ.	Сайтнинг инглизча версияси паст сифатли. Ҳужжатларнинг шакллари йўқ.

2 жадвалдан кўриниб турибдики, мамлакатимиздаги ЭИЗларнинг веб саҳифалари қоқоқ ҳолатда. Маълумотлар тўлиқ эмас ва жуда ҳам зерикарли. Веб саҳифа ўз ичига замонавий дизайн, инфографик маълумотлар, сифатли контентни олиши керак. Хорижий инвестор сайтга кирганда унда ортиқча саволлар қолмаслиги керак.

Энди Голландия ва Кореядаги инвестицияларни жалб қилишга мўлжалланган сайтларни таҳлил қилиб чиқамиз.



3-расм. Fez.go.kr сайтининг кўриниши


4-расм. investinholland.com сайти кўриниши

Ушбу расмларда Корея савдо, Саноат ва энергия вазирлиги томонидан ташкил этилган, Корея эркин иқтисодий зоналари ҳақида тўлиқ маълумот берадиган ягона сайт (fez.go.kr) кўриниши (3 расм) ва Голландияга хорижий инвестициялар агентлигининг сайти (investinholland.com) кўриниши (4 расм) акс этган. Ушбу сайтларда қуйидаги афзалликлар мавжуд.

1. ИП манзилга мослашувчан контент. investinholland.com сайтига қайси мамлакатдан ташриф буюрилишига қараб контент ўзгаради. Масалан, Хитойдан ташриф буюрилса, Голландияда муваффақиятли фаолият юритаётган хитой компаниялари ҳақида маълумот чиқади.

2. Ҳар икки сайтда ҳам фойдаланувчига қулай алоқа маълумотлари жойлашган. Телефон рақамлар, масъул шахсларнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ёки эмаил манзиллари кўрсатилган. Асосий фаолият соҳалари, саноат тармоқлари ҳақида аниқ, ишончли маълумотлар берилган.

3. Маълумотлар чиройли инфографик кўринишга келтирилган (5 расм).



5-расм. investinholland.com сайти кўриниши

4. Бошқа инвесторларнинг муваффақияти. Барча инвесторлар бошқа корхоналар нимага инвестиция киритганига қизиқиши табиий ҳол. Шунинг учун сайтда муваффақиятли ишлаётган корхоналарнинг асосий кўрсаткичлари келтирилиши шарт.

5. Инвесторлар учун яратилган имконият ва шароитлар кўрсатилиши керак.

6. Инвесторлар учун қўлланма ва аризаларни онлайн қабул қилиш имконияти мавжуд бўлиши инвесторларнинг ЭИЗ га бўлган ишончини янада оширади.

Хулоса ва таклифлар

Инвесторлар эътиборини жалб қиладиган биринчи маркетинг технологияси веб сайт экан, унга ЭИЗ маъмурияти иккинчи даражали восита сифатида қарамаслиги керак. Инвестиция жалб қилиш учун мўлжалланган ЭИХ веб сайтлари қуйидаги хусусиятларни ўз ичига олиши керак:

- бизнес аудиторияси учун мўлжалланган янгиликлар, тадқиқотлар, кейслар;
- аниқ таърифлайдиган, қидирув тизимлари (гугл, яндекс) инобатга оладиган калит сўзлар (SEO);
- расм ва инфографика. Фойдаланувчилар визуал маълумотларга 60000 марта тез эътибор беришади;
- қисқа маълумотлар. Фойдаланувчи бир саҳифани ўртача 15 секунд кузатади;
- тушунарли домен номи;
- замонавий, тренддаги дизайн. Сайт дизайнида ушбу маълумотлар бўлиши шарт:
- демографик маълумотлар
- иқтисодиётнинг асосий саноат тармоқлари
- ҳудуддаги асосий корхоналар

- алоқа учун маълумотлар
- соҳага оид сўнгги янгиликлар
- ГИС харита (агар иложи бўлса)

Шунингдек, сайтдан фойдаланувчиларнинг статистик таҳлили амалга оширилиши, қайси мамлакатдан ташрифлар сони кўплиги, қайси саҳифага кўпроқ ташриф амалга оширилгани, юклаб олинган маълумотлар сони, ҳар бир саҳифада қанча вақт кўрилгани ҳақидаги маълумотларни жамлаб бориш керак.

Сайтга “Фейсбук” нинг “пихел”, Гугл Аналитикс технологиялари ўрнатилиши фойдаланувчининг ижтимоий тармоқдаги саҳифаларига тўғридан-тўғри реклама қилиш имкониятини беришини инобатга олиш керак.

Қидирув тизимларида калит сўзлар учун реклама бериш орқали инвесторлар эътиборини тезроқ жалб қилиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. UNCTAD, World Investment Report 2019;
2. Changkyu Choi (2003). Does the internet stimulate inward foreign direct investment? Journal of Policy Modeling, Vol 25, Issue 4 (June), pp. 319-326;
3. Azmat Gani and Basu Sharma (2003). The Effects of Information Technology Achievement and Diffusion on foreign Direct Investment, Perspective on Global Development and Technology, Vol. 2, No. 2 (June), pp. 161-178;
4. Roghieh Gholami, Sang-Yong Tom Lee, Almas Heshmati (2006). The Causal Relationship Between Information and Communication Technology and Foreign direct Investment, The World Economy 29 (1), pp. 43-62;
5. Nguyen Tien Dzun, Tuan Anh Nguyen. The Role of Investment Attraction in Vietnamese Industrial Parks and Economic Zones in the Process of International Economic Integration. August 2017, Journal of Asian Finance Economics and Business 4(3):27-34
6. UNCTAD, World Investment Report 2019;
7. Henry Loewendahl (2018). Innovations in Foreign Direct Investment Attraction, Technical Note, 2018;
8. Challenges of development of free economic zones in Uzbekistan - <https://www.uz.undp.org> (2018)
9. <http://fez.go.kr>
10. <https://investinholland.com>